

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРГА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК 494.375

ЮСУПОВА ТУРСУНОЙ АХМЕДОВНА

ГАПНИНГ БОШ БЎЛАКЛАРИНИ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНИДА  
ЎҚУВЧИЛАР НУТҚИНИ ЎСТИРИШНИНГ ЛИНГВОМЕТОДИК  
АСОСЛАРИ

13.00.02 - ўзбек тили ўқитиш назарияси ва методикаси

Педагогика фанлари номзоди

илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

ТОШКЕНТ - 2005

Тадқиқот Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика  
университетининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси  
кафедрасида бажарилган.

**Илмий раҳбар** -

**М. АСҚАРОВА**, филология фанлари  
доктори, профессор

**Расмий оппонентлар** -

**Ҳ. ШАМСИДДИНОВ**, филология  
фанлари доктори, профессор

**Ш. ЙЎЛДОШЕВА**, педагогика  
фанлари номзоди, доцент

**Етақчи ташкилот** -

**Республика Таълим маркази**

Химоя 2005 йил сентябр ойининг 5 куни соат 16<sup>00</sup> да Низомий  
номидаги Тошкент Давлат педагогика университетини хузуридаги  
К 067.18.02 рақамли Бирлашган ихтисослашган илмий Кенгаш  
ингилишида ўтказилади.

Манзил: 700064, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй

Диссертация билан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика  
университетининг асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 700064, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй

Авторреферат 2005 йил Учраш да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган  
Кенгаш илмий қотиби, педагогика  
фанлари доктори, профессор**

**С. Матқонов**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Таълим - тарбия жараёни ижтимоий-иқтисодий ислохотларга мос, узлуksизлик ва узвийлик принципларига риоя қилган ҳолда ахборот технологияларидан фойдаланиб ташкил этишнинг мазмуни, метод ва усулларини излаш, уларни амалиётга татбиқ қилиш ёш авлодни эркин фикрли, маънавий барқамол инсонлар қилиб тарбиялашнинг муҳим омилidir.

Юртбошимиз Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида "Барқамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори" мавзусида сўзлаган нутқида: "Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши мумкин. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Муस्ताқил фикрлаш ҳам қатта бойликдир... Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда муस्ताқил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалда тажрибамизда унга риоя қилмаймиз", - деб таъкидлайди<sup>1</sup>.

Муस्ताқил фикрлаш мулоқот маданияти, муомала одоби билан боғлаб шакллантирилса, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятда ўз ўрнини топиб олишлари осон кечади. Чунончи, ўқувчиларнинг она тилдан олган билим даражалари тилнинг грамматик қурилишини нечоғлиқ ўзлаштирилганликлари билангина эмас, балки уларнинг ўз фикрларини адабий тилнинг бой ифода воситаларидан ўринли ва тўғри фойдаланган ҳолда, оғзаки ва ёзма шаклларда ифодалашлари, шахсий мулоҳазаларини эркин баён қила олишлари билан белгилашмоғи лозим.

Синтаксисдан ганнинг бош бўлақларини, бир бош бўлақли гапларни ўранишда ўқувчиларнинг мулоқот маданиятини, хусусан муомала одобини шакллантириш муҳимдир. Шубҳа йўқки, бу аспектдаги ишлар ўқувчиларнинг кизиқишларини оширади, муस्ताқил фикр юритиш қобилиятини ривожлантиради.

Биз талланган "Таълим бош бўлақларини ўрганиш жараёнида ўқувчилар нутқини ўстиришнинг лингвометодик асослари" мавзуси ҳам бош бўлақлар юзасидан пухта билим бериш ва у орқали ўқувчилар сўз бойлигини ошириш, оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш, мулоқот маданияти ҳамда ижодий маъна яратиш даражасида сўз ва гап устида ишлаш мақалаларини шакллантириш масалаларига бағишланади.

**Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Низомий номидаги ТДПУнинг "Тил ва адабиёт таълимининг долзарб муаммолари" мавзусидаги режа асосида бажарилган.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Барқамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи, 1997 йил 29 август // Барқамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори, - Т., 1997. Б. 4-9.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Она тили таълими жараёнда ўқувчиларга таълимнинг бош бўлақларини ўргатиш муаммоси тил ўқитиш назарияси ва методикаси фанида янгилик эмас, албатта. Ўзбекистонда ўзбек тили ўқитиш методикасининг ривожланишига барвақоли хисса қўлган методист олимлардан М.Омилхонова, О.Розиков, А.Ғуломов, К.Қосимова, Х.Рустамов, А.Сайфуллаев, Р.Сайфуллаева, М.Абураимова, М.Собирова<sup>1</sup>нинг илмий-тадқиқот ишлари ва методик қўлланмалари, матбуот саҳифаларида ёритилган мақолаларида гап бўлақларини ўқитишнинг айрим ўз даври учун самарали йўллари ҳақида фикр юритилган. Аммо бош бўлақларни ўқитиш жараёнда мазму юзасидан пухта билим бериш билан бирга, у орқали ўқувчиларни суз ва гап устида ишлашга ўргатиш, уларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириши, мустақил фикрлаш малакаларини ривожлантириш, мулоқот маданияти ва муомала одобини синдиришнинг самарали йўллари ва воситалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ишлаб чиқилган эмас.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Ўзбек мактабларининг она тили машғулотида бош бўлақлар ва бир бош бўлақли гапларни ўргатиш мазмуни ва самарали усулларини аниқлаш, ўқувчиларни мустақил ишлашга, изланишга, фикрлашга, ўз фикрини эркин баён эта олишга, суз билан боғлаб ўрганишга, уларнинг мулоқот маданиятини, хусусан муомала одобини шакллантиришга доир машқлар тизimini, боғланишнинг нутқ малакаларини шакллантиришга йўналтирилган имкониятларини аниқлаб ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда куйидаги **вазифаларни** бажариш кўзда тутилди:

1. Ўзбек тилшунослигида таълимнинг бош бўлақлари ва бир бош бўлақли гап турларининг ўрганилишини тадқиқ қилиш.
2. Ўрта мактабларнинг она тили дарсларида ўқувчиларга бош бўлақларнинг ўргатилиши буйича ўқувчилар билимининг ҳозирги ҳолатини аниқлаш.
3. Таълимнинг бош бўлақларини коммуникатив аспектдаги ўрганиш таълиқининг назариядаги ҳолати, методик адабиётларда масаланинг қай даражада ёритилганини ўрганиш, амалдаги "Она тили" дастур ва дарсликларини шу нуктаи назардан таҳлил қилиш.
4. Она тили машғулотида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини шакллантиришга, мулоқот маданияти, хусусан, муомала одобини

<sup>1</sup> Омилхонова М. Мактабда она тили синтаксисини ўргатиш. - Тошкент: Ўқитувчи, 1991; Омилхонова М. Мактабда содда гап синтаксисини ўргатиш. - Тошкент: Ўқитувчи, 1977; Розиков О. Ўзбек тилидан дарс тиллари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1976; Рустамов Х. Синтаксис ва пунктуация ўқитиш методикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1960; Sayfullayeva A.R., Sayfullayeva R.R. Она тили дарслигида пилч оёғизлиқ (8-sinf materiallari asosida metodik qo'llanma). T.: O'zRITTI, 2002; Собирова М.Ю. Ўзбек мактаблари тоқори синф ўқувчиларига содда гап синтаксисини мулоқот усулида ўргатиш. Педа. фан. ном... дис. автореф. - Тошкент, 1994; Қосимова К. Ўшнинг синфларида она тили ўқитиш методикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1985; Ғуломов А.К. Она тили ўқитиш принциплари ва методлари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992; Абураимова М. Солин синтаксис асосини ўргатиш // Ўзбек мактабларида она тили ва адабиёт дарслари самаралорининг ошириш: Илмий асарлар тўплами. - Т.: УАДҒФТИ, 1990. - Б. 21-27.

синдиришга ёрдам берадиган самарали усулларни аниқлаш, мустақил фикрлаш малакаларини ривожлантиришга доир ўқув топшириқларини амалиётга тавсия қилиш.

5. Аниқланган ва ишлаб чиқилган методик усуллар, дарс ишланмалари ва тавсияларни тажриба шароитида сынаб кўриш, натижаларини таҳлил этиш, олинган ижобий натижалар асосида она тили ўқитувчилари учун тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Ўзбек тилшунослигининг сўнги ютуқлари асосида методик мақсадларда гап бўлақларининг назарий таълиқини амалга оширишда, ўзбек тили ўқитиш методикасида ilk бор узлуксиз таълим тизимида бош бўлақларни ўргатишнинг янгиланган мазмуни ва методлари илмий-педагогик жиҳатдан асосланди; мактабларда таълимнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинди; мазму юзасидан ўқувчиларга чуқур ва пухта билим берадиган самарали ва қулай усуллар аниқланди; ўрганилаётган тил ҳолисаларининг амалий услубият, матн талаби, мулоқот маданияти ва, хусусан, муомала одоби билан боғлиқ жиҳатлари ажратилди, суз ва гап устида ишлаш малакаларини шакллантиришга ҳамда ўқувчилар нутқини ўстиришга қаратилган топшириқлар тизими ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Умумий ўрта таълим мактабларининг она тили дарсларида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини оширадиган, ижодий матн яратишга доир билимлари ҳамда малакаларини шакллантирадиган, нутқ маданиятини ўстиришга хизмат қиладиган самарали усуллар тизими белгилаб берилди, улар юзасидан бажариладиган топшириқларнинг турлари кўрсатилди. Тавсия этилган усуллардан ва амалий топшириқлардан она тили дастурлари ва дарсликларини яратишда, шунингдек, олий ўқув юртиларида ўзбек тили ўқитиш методикаси фанидан дастур ва дарслик ҳамда методик қўлланмалар ёзишда фойдаланиш мумкин.

**Натижаларининг жорий қилиниши.** Ушбу диссертация иши буйича ишлаб чиқилган услубий тавсияларни ўрта мактабларнинг 5- 8- синфларида таъбиқ этиш ва илмий мақолалар эълон қилиш йўли билан амалга оширилди, Тадқиқот юзасидан Низомий номидати Тошкент Давлат педагогика университети илмий-назарий анжуманларида ва семинарларида марузалар қилинди (2001-2004 йиллар).

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Илмий-тажриба ишлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг бир қатор мактабларида (Хужайли шаҳридаги 57-, Беруний шаҳридаги 59-, Кўнғирот шаҳридаги 43-, Урганч шаҳридаги 6-, 22-) ҳамда Тошкент шаҳридаги 305-мактабда ўтказилди. Улар уч босқичда олиб борилди:

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий мазмуни 10 та мақолада эълон қилинганлиги.

**Диссертациянинг тузилиши.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат бўлиб, жами 157 саҳифани

ташкил этади. Диссертацияда 4 жалвал, 1 чизма келтирилган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 138 та манбадан иборат.

### ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Қириш” қисмида мазмуннинг долзарблигини, ўрганилаётган даражаси, илмий – амалий аҳамияти кўрсатилади. “**Она тили дарсларида таълимнинг бош бўлақларини нутқ ўстириш билан боғлаб ўрганишнинг илмий-назарий ва амалий асослари**” деб номланган биринчи боб икки қисмдан иборат. Бу бобда аввал тилишуносликка доир манбалар кўриб чиқилган. Ҳужум фанлари, ҳусусан, она тилини ўқитиш мазмунини янгилаш иши, бир томондан, назарий (лингвистик), иккинчи томондан, методик асослар, учинчидан, таъриба – синов ишларига суянган ҳолда амалта оширилган экан, буни тилишунослик ва методика фанларида эришилган сўнги ютуқларини ҳисобга олиш муҳимдир.

Таълимнинг бош бўлақлари А.Ф.Ғуломов, А.Н.Қононов, А.А.Қоклинова, А.А.Шаҳматов, Ғ.Абдурахмонов, М.Аскарва, Ф.Абдуллаев, Ш.Раҳматуллаев, А.Ҳожиёв, А.Сафоев, Б.Ўринбоев, И.Расулов, Э.А.Грушина, А.Ахмедов, Р.Сайфуллаева, А.Сайфуллаев, А.Нурмонов, Н.Маъмуров, Х.Неъматов, А.Бердиалиев, М.Бошмонов, Б.Шеронов, С.Солихўжасин, Ж.Омонтурдиев каби олимларнинг асарларида маълум даражада ўз аксини топди. Кейинги даврда ушбу мавзуга бағишланган янги таълиқот ишлари юзга келди. Биз таълимнинг бош бўлақлари ва бир бош бўлақли гаплар юзасидан илгари сурилган қарашларни таълим қилишда кўпроқ А.Нурмонов, М.Х.Ҳакимов, Э.Қиличев, Р.Абдусаматов, А.С.Мусев, И.Азиев, С.Иноғтов, М.Абдузаловларнинг<sup>1</sup> тадқиқотларига таяндик.

Таълим амалиёти эҳтиёжларига кўра тил ходисаларига нисбатан коммуникатив ёндашуви жорий этишнинг назарий масалаларини ҳал этиш ўзбек тили ўқитиш методикаси олдига турган муҳим масалалардан ҳисобланади. Юқорида тилга олинган тадқиқотларга эга ва кесимнинг қай бири таълимнинг мангикий, грамматик маркази эканлиги, эга ва кесимнинг ифодаланиши, гапдаги тартиби, эганинг тушариб қолдирилиши каби масалалар янгича таълим топа бошлади. Бу таълимнинг айримларида тил ходисалари янгича, лекин коммуникативликдан холи бир қараш билан кенг ва чуқур ёритилди. Кесимдан иборат гап ихчам гап деб номланди<sup>2</sup>. Лекин буларнинг ҳаммаси систем тилишунослик

7

нутқни назардан амалта оширилди. Унинг тақозосига кўра таълимнинг коммуникатив жиҳатларини четлаб ўтишди. Аммо мактаб она тили таълими ўқув фани концепциясида коммуникатив ёндашув белгиланган. Мулоқот маданияти таълимнинг коммуникатив жиҳатларини сақлаган ҳолда тил сатҳларини ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради. Шу боис гапдаги модаллик ва бошқа жиҳатлар тиклангач, мактаб таълими учун ихчам гап мунозарали бўлиб қолиши аниқ.

Р.Абдусаматовнинг таъкидлашча, “Систем қурлма сифатида гап бўлағида ифода плани (синтаксиси), мазмун плани (семантикаси) ва гап бўлағининг муайян нутқ вазиятида оладиган маъноси (прагматикаси) ҳамда уларнинг ўзаро алоқаси бир бутунликда амал қилади. Улар бир-биридан фарқланади ва маълум даражада мустақил ҳам бўлади. Муҳими, бу уч тушунча бир-бири билан у ёки бу тарзда боғланган бўлиб, гап бўлағининг мазмун томонини ўрганишда бақамти ҳисобга олинмаси”. Гап бўлағига нутқ вазияти (прагматика) нукта назаридан баҳо бериш айтилган мулоқот маданиятини ўрганишга олиб келади.

Гап бўлақларининг ифодаланиши масаласида ҳам матн талаби кўзда тутилгани маъқул. Эганинг отлашган сўзлар билан ифодаланиши оз сўзлаб, кўпроқ фикр ифодалаш, яъни кўпроқ ихчамликка интилиш туфайлидир. Зеро, алломаларимиз “Оз сўзла, лекин соз сўзла” деб бежиз айтмаганлар.

Коммуникативлик борасида Э.Қиличевнинг изланишлари эътиборга лойиқдир<sup>3</sup>. Лекин биз назарий асос қилиб олмоқчи бўлган фикрни М.Х.Ҳакимовнинг “Ўзбек тилида матннинг прагматик таълими” мавзусидаги докторлик таълиқотида<sup>3</sup> топшига муваффақ бўлдик. Муаллиф Ҳ.Абдурахмонов, Н.Маъмуров, Б.Ўринбоев, С.Мўминовларнинг нутқ маданияти ва коммуникатив хулқ йўналишидаги ишлари мавжудлигини уқтиради, аммо прагматика таълиқотчилар эътиборидан четда қолганини таъкидлаган ҳолда терминга қуйидагича изоҳ беради: “прагматика тилишунослик ҳолда терминга қуйидагича изоҳ беради: “прагматика инсоннинг ижтимоий фаолиятини ўзда мужассамлаштирувчи нутқий жараён, нутқий вазият таъбири билан намён бўлувчи нутқ иштирокчиларига хос коммуникатив ниёт билан алоқадор тушунчалар қаторидаги масалаларни ўрганади” (9-бет). Муаллифнинг таъкидлашча, “Прагматика эса белгининг инсонга таъбири, унинг фикрлаш услубига, ахлоқига, хис-туйғусига таъбирини ўрганади” (13-б.).

Бош бўлақларни ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг нутқини ўстириш ишларида уч хил йўналишни ажратиш мумкин: 1) эга ва кесимнинг ифодаланиш турлари берадиган имкониятдан ўз ўрнида нутқ шароитига мос равишда услубий хослаб фойдаланиш; 2) эганинг бўлиш-бўлмаглигига кўра икки бош бўлақли ва бир бош бўлақли гаплар асосида фикр баён қилишни муомала маданияти, мулоқот олоби, этика ва эстетикаси билан боғлай олиш; 3) гапда бош бўлақларнинг тартибини

<sup>1</sup> Абдусаматов Р.А. Номи кўрсатилган авторреферат, 7-бет.

<sup>2</sup> Қиличев Э. Номи кўрсатилган китоб, 114-б.

<sup>3</sup> Ҳакимов М.Х. Номи кўрсатилган авторреферат.

<sup>1</sup> Абдусаматов Р.А. Ўзбек тилида гап бўлақларининг номаллий маъноси масаласи. Филол.фан.ном. дисс.авторреферати. – Самарқанд, 1994; Абуалова М.К. Ўзбек тилида сода таълимнинг энг кичик қурилиши қилиши ва унинг нутқда воқеаланиши. Филол.фан.ном. дисс.авт.-ти. – Т., 1994; Азиев И.М. Алишер Навоийнинг насрий асарларида кесим марказли бир бош бўлақли гапларнинг шакли ва мазмуни ҳусусатлари. Филол.фан.ном. дисс.авторреферати. – Т., 2001; Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий синтаксисини (прагматика) // Педагогика олийгоҳларининг филология факультети талабалари учун ўқув қўлловма. – Т.: Уқитувчи, 1992; Ҳакимов М.Х. Ўзбек тилида гапларнинг прагматик таълими: Филол.фан.ном. дисс.авторреферати. – Т., 2001; Мусев А.С. Ўзбек сўзлашув нутқи услубида гап бўлақли тартиби: Филол.фан.ном. дисс.авторреферати. – Самарқанд, 2000; Нурмонов А. Гап ҳақидаги синтаксик назариялар (Студентлар учун махсус курс). – Т., 1988.; Иноғтов С.Б. Ўзбек тилида прагматик муносабат: Филол.фан.ном. дисс.авт.-ти. – Т., 1999.

<sup>2</sup> Абуалова М.К. Номи кўрсатилган авторреферат.

тўғри белгилаш. Лекин эганинг сифат ва бошқа туркумга оид сўзлар билан ифодаланиши ўз-ўзидан нутқ оқимида пайдо бўлавермайди. Бадиий асарлар матнини ўрганиш шунга кўрсатдики, 10 беллик парчада бор-йўғи 3-4 та сифат билан ифодаланган эгани учратиш мумкин. Эгани олашган сифат билан ифодалаш учун алоҳида нутқий вазият тақозо этилади. Бу вазиятнинг табиати ҳали агрофилча ўрганилмаган.

Методияст олимлардан К.Қосимова, М.Омилхонова, Х.Рустамов, А.Сайфуллоев, А.К.Ғуломов, О.Розиковларнинг методик кўланмаларида ўқувчиларга гапнинг бош бўлақлари юзасидан берилган маълумотлар мазмун, бу маълумотларни ўқувчиларга етказиш йўллари, улар онига сингдиришда фойдаланиладиган машқлар, дидактик поситалар ҳақида кенг фикр юритилган. Лекин уларда нутқ ўстиришнинг аҳамияти таъкидланган бўлса-да, баён ва иншолини этиборга олмаганда, махсус нутқий-услубий машқлар тизимини ишлаб чиқиш мақсад қилиб кўйилмаган.

Рус тилини она тили сифатида ўқитишга бағишланган методик адабиётларда гапнинг бош бўлақларини ўрганиш масалалари агрофилча ёритилган. Лекин уларда гапнинг бош бўлақларини ўрганиш жараёнида биз ўйлаган йўналишда ўқувчиларнинг мулоқот малакати, муомала олобиди ривожлантириш масалалари дегрилибмаган, ушбу муаммо махсус тадқиқ этилмаган. Проф. Т.А.Ладженская тахрири остида нашр қилingan "Методика развития речи на уроках русского языка" кўланмасидагина синтактик конструкцияларнинг коммуникатив мақсадга мувофиқлиги (коммуникативная целесообразность) ҳақида сўз юритилган, бундай конструкцияларни ўрганиши нутқ малакати билан боғлашга ҳаракат қилинган, холос.

Амалдаги дастур асосида яратилган 8-синф "Она тили" дарслигида гапнинг бош бўлақлари ва бир бош бўлақли гапларга доир қуйилган мавзулар ўз аксини топган: "Соғда гап", "Қесим ва унинг ифодаланиши", "Муस्ताқил ва номустақил кесим шакллари", "Эга", "Этали ва эгасиз гаплар", "Эгаси яширинган гаплар", "Эгасиз гаплар", "Шахси номмаъlum гаплар", "Атов гаплар", "Сўз-гаплар", "Ўтилганларни тақдорлаш юзасидан тест топшириқлари".

Хуллас, она тилидан яратилган янги, бугунги кунда амалдаги дастур ва дарсликларда гапнинг бош бўлақлари ва бир бош бўлақли гаплар юзасидан берилган мавзулар рўйхати олдингиларида келтирилган мавзулар рўйхатига қараганда қамайган, бинобарин маълумотлар кўлами ҳам қисқарган, лекин нутқ ўстириш учун аҳамиятсиз, фақат филологик маълумот билан боғлиқ айрим тушунчалар (ихчам гап, гапнинг грамматик асоси, грамматик марказ, эгасиз гап) киритилган. Шу боисдан ўқувчиларнинг нутқини ўстириш, нутқ малакати, муомала одобини шакллантириш нуктаи назаридан мавзулар рўйхатини қайта кўриб чиқиш тақозо этилади.

<sup>1</sup> Nematov H., Mahmudov N., Sayfullayeva R., Gulomov A., Abduraimova M. Ona tili. 8-sinf uchun darslik. To'ldirilgan 2-nashri. - T.: O'qituvchi, 2002.

Тадқиқотнинг навбатдаги босқичида ўқувчиларнинг мавзуга доир билимлари ва малакалари қай савияда эканлиги ўрганилди, улар нутқини кузатиш юзасидан айрим назорат ишлари амалга оширилди. 2000 - 2004 йиллари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг бир қатор мактабларида (Хўжайли шаҳридаги 57-, Беруний шаҳридаги 59-, Кўнғирот шаҳридаги 43-, Урганч шаҳридаги 6-, 22-) ҳамда Тошкент шаҳридаги 305-мактабларда бош бўлақларни ўқитиш жараёни кузатишди. Ўқувчилардан иншоолар олинди. 400 ўқувчининг ёзма ишини ўрганиш шунга кўрсатдики, улар эгани асосан от ва кишилик олмошлари, баъзи ҳолларда ҳаракат номи, шунингдек, бирикма билан ифодаландилар. Ёзма ишларда бир бош бўлақли гаплардан асосан шахси маълум гап тури кўп учрайди. 37 ўқувчининг иншосида ҳикматли сўзлар, ҳадислардан намуналари тилга олиш орқали шахси умумлашган гаплар ишлатилган. 14 иншооларга шахси номмаълум гап қўлланган (бу гапларнинг кесими "ҳаракат номи - керак" қолинида). Иншооларнинг бирортасида ҳам диалогик парча келтирилмаган. Ваҳоланки, икки бош бўлақли гап ва бир бош бўлақли гап турлари синонимияси кўпроқ диалогик нутқда намён бўлади.

Ўқувчиларнинг эга ва кесимга доир назарий билимлари қай савияда эканлигини текшириш мақсадида 7-синфда ўқув йили охирида айрим назорат ишлари ўтказдик. Назорат ишида 28 ўқувчи қатнашди. (Нагижалари 1-жадвалда акс эттирилди.)

Berjalari 1-жадвалдан egani topib, tagiga bir chiziq chizing, ustiga nima bilan ifodalanganini yozib qo'ying.

1. Bola sevmaydigan ona topilmas. 2. Bu kishi Adolat oram bo'ladi. 3. Shirin yolg'ondan achechiq haqiqat yaxshi. 4. Safarov aygan gaplarni hammamiz tushundik. 5. Bilgan bilganini ishlar... 6. Yaxshi yaxshining qadriga yetar. 7. Ko'plar bu shosilinch xabarni bilmadilar. 8. Kimdir eshigimizni qatitq taqiladi. 9. Bugun hech kim tabirdan tinic suvlar shildir-shildirni dillarga orom beradi. 10. Yaxshi so'z - jon ozig'ini. 11. Tog'dan oqib tushayotgan yog'ini ham eplaydi. 12. Kalavaning uchini topgan ishning bu

### 1-жадвал ЭГАНИ АНИҚЛАШ ВА ИФОДАЛАНИШИНИ КЎРСАТИШ ТАЛАБ ЭТИЛГАН НАЗОРАТ ИШИ НАТИЖАЛАРИ

Гаплар	Эганини аниқлангани		Эганини ифодаланиши аниқлангани	
	тўғри %	ногўғри %	аниқлан-маган %	тўғри %
1.	13	46,4%	15	53,6%
2.	-	0%	26	92,8%
3.	26	92,8%	2	1,2%
4.	18	64,3%	10	35,7%
5.	18	64,3%	6	21,4%
6.	20	71,4%	4	14,3%
7.	24	85,7%	-	0%
8.	25	89,3%	-	0%
9.	25	89,3%	-	0%
10.	-	0%	25	89,3%
11.	19	67,9%	4	14,3%
12.	-	0%	21	75%

Кўрсатил-маган %	ногўғри %	тўғри %	Эганини ифодаланиши аниқлангани
1	0%	12	92,3%
-	0%	-	0%
10	38,5%	16	61,5%
6	33,3%	2	11,1%
10	55,6%	-	0%
8	44,4%	15	75%
3	15%	9	37,5%
7	29,2%	-	0%
11	44%	-	0%
12	48%	-	0%
-	0%	6	31,6%
9	47,3%	-	0%

“Bola sevmaйдиган opa toritmas” гапида 13 ўқувчи эгани тўғри аниқлаган. 15 нафари эса ‘бoла’ сўзининг остига чизган. Бу ўринда ўқувчилар сўзининг қайси келишида эканлигига эгилиб бермаганлар (бoла сўзи белгисиз тушум келишикда).

“Бу киши Адолат олам бўладилар” гапида ўқувчиларнинг ҳаммаси эга деб кесмининг “Адолат олам” қисмини белгиланган. Эга (бу киши) тўғри топилмаган.

“Yaxshi so'z - jon o'zigi i...” гапида “яхши сўз” бирикмаси, “Kalavaning ichini topgan ishning bu yog'ini ham erlaydi” гапида “калаванинг учини топган” ибораси эга вазифасида келган. Ўқувчилар бу бирикмалар таркибидagi айрим сўзларнинг қайси сўз туркумига мансублигини аниқлашга ҳаракат қилиб ҳатоликларга йўл қўйганлар. Масалан, “яхши сўз”нинг тагига бир чизик чизиб, *яхши* сўзининг устига сифат деб ёзганлар. Ёки “калаванинг учини топган” иборасининг тагига чизиб, *ёхуд* иборадagi *калав* сўзининг тагига чизиб, устига от деб ёзганлар.

Назорат иши 5-7-синфларда ўрганилган сўз туркумига доир билимларнинг бўшлигидан, эганинг шу сўз туркумлари билан ифода далалиши мумкинлиги ҳақидаги маълумотлар унутилганлигидан далолат беради.

Ўқувчилар орасида сўронома ўтказилди. “Мактабда “галнинг грамматик асоси” ёки “галнинг грамматик маркази” тушунчасини билиш нима учун хизмат қилиши мумкин?” деган саволга кўпчилик ўқувчилар “Билмадимиз” деб жавоб қайтарган. 100 ўқувчидан 9 нафари “Эга ва кесим галнинг бош бўлақлари эканлигини таъкидлаш учун хизмат қилади”, 11 нафари эса “Грамматик марказ дегани феълга асосланган гап тузиш лозимлигига ишора қилади” каби жавоб вариантини танлаган. Ўқувчилар галнинг бош бўлақлари тушунчасини грамматик асос, грамматик марказ тушунчалари билан бир хил деб ўйлайдилар. Қуйи синфларда морфологияни синтаксис асосида ўрганиш, 5-7- синфларда сўз туркумига доир мавзуларнинг ҳар бири таркибиди шу туркумга оид сўзларнинг қайси гал бўлади, эга вазифасида кела олиши кўзда тутилиши шарт. Шундагина 8-синфда содда гал синтаксисини чуқур ва кенг ўрганиш учун мустахкам пойдевор яратилади.

Ниҳоят, галнинг бош бўлақлари, бир бош бўлакли гап турлари юзасидан тавсия этиладиган билим, кўникма ва малакалар сираси “Галнинг бош бўлақлари” ва “Бир бош бўлакли гап турлари” мавзулари асосида ёритилди.

Иккинчи бoб “**Она тили дарсларида галнинг бош бўлақлари ва бир бош бўлакли гапларни нуқ ўстириш билан боқлаб ўрганиш методикаси**” деб номланиб, уч қисмни ўз ичига олади. Мазкур бoбда М.Омилонова, М.Абдураимова, О.М.Байгулова, Л.И.Величко, Э.Д.Ибраимова, Н.Карав, Г.К.Лидман-Орлова, Г.Мамедов, М.А.Назарова, А.М.Орлова, М.Ю.Собированинг ишларида таълим методларини тақомиллаштиришга доир изланишлар ўз ифодасини топган. Лекин биз тадқиқот ишимизда кўпроқ И.Я.Лернер, А.Ю.Купалова,

В.А.Саакян, Т.Т.Ғаниев, М.Мирмахсудовларнинг тадқиқот ишларига ижодий ва танқидий ёндашган ҳолда асосландик.

А.Ю.Купалова И.Я.Лернер томонидан иллари сурилган қуйидаги ижтимоий маданият элементлари асосида она тили таълими меҳодларига танқидий баҳо беради<sup>1</sup>: 1) олам ва фаолият усуллари ҳақидаги билимлар (бу билимларнинг ўзлаштирилиши ахборот-репетитив методдан фойдаланишни кўзда тутати); 2) фаолият усулларини амалга ошириш тажрибаси (ўзининг шаклланиши учун репродуктив методни талаб этадиган малака ва кўникмалар); 3) иходий фаолият тажрибаси (бу тажриба муаммоларни ва муаммоли масалаларни ечиш орқали таъқиқотчилик методи билан ўзлаштирилади). Ижтимоий маданиятнинг тўртинчи унсури – оламга муносабат тажрибаси – кўрсатилган барча методлар воситасида ўзлаштирилиши мумкин. А.Ю.Купалова юқорида тасниф этилган унсурларни “русский язык” ўқув фани дастурига нисбатан муқояса қилар экан, бу дастур мазмунида тил ҳақидаги билимлар кўпроқ ва уларни қўллаш усуллари тўғрисидаги билимлар камроқ; билимлар (умуман) фанга нисбатан кўлланда “ижодий фаолият” тушунчасининг мазмуни ҳақидаги масала кам ўрганилганлиги ва бир хилдаги ечимга эга эмаслигини таъкидлайди.

Маълумки, амалдаги “Она тили” дарслиklarининг методик структурасига кўра дарсларда бир-икки машқ асосида муаммоли таълим, илланувчилик методи қўлланиб, тил ҳодисаси ҳақида ўқувчиларнинг ҳулоса чиқаришларига эришиш мўлжалланади, бу ҳулосалар топинг, аниқланган деган топширқларни бажариш орқали мустаҳкамланади. Дарсинг қолган оз вақтигина тил ҳодисасини нуққ фаолиятида ишлатишга ўргатиш учун ажратилади, баъзида эса бунга имкон ҳам бўлмайди.

Индуктив йўл билан ўқувчиларни тил ҳодисалари юзасидан ҳулоса – қоида чиқаришга тайёрлаш кўпинча мураккаб жараёнга айлантирилмоқда, бу ҳолат икки омилга кўра юзага келмоқда:

- 1) бир-икки машқ материаллари учун танланган мисоллар тил ҳодисасининг барча белги-хоссаларини қамраб олмайди;
- 2) машқларни бажариш жараёнида берилдиган қўшимча топширққ ўқувчиларнинг диққатини асосий муаммодан четта тортиб, уларни чапқитилади.

<sup>1</sup> Купалова А.Ю. Задачи совершенствования системы методов обучения русскому языку. // Совершенствование методов обучения русскому языку (Сб. статей). Пособие для учителей. М.: Просвещение, 1981. - С. 5-13; Ғаниев Т.Т. Активизация познавательной деятельности учащихся в процессе выполнения упражнений по родному (узбекскому) языку. Автореф. Дисс. ... канд. пед. наук. - Ташкент, 1991; Саакян В.А. Роль углубления в усвоении, закрепления знаний по синтаксису и в развитии речи учащихся VII-IX классов армянской школы. Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. - Ереван: 1983; Лернер И.Я. Система методов обучения (дидактический аспект). // Совершенствование методов обучения русскому языку (Сб. статей). Пособие для учителей. М.: Просвещение, 1981. - С. 14-27; Мирмахсудова М. Уқувчиларнинг тақомиллаштирилишида грамматик терминлардан фойдаланишнинг лингвометодик асослари (5-7-сифр она тили дарсликларининг мисолида): Пед. фан. ном. ... дисс. - Т., 2004.

<sup>2</sup> Купалова А.Ю. Номи кўрсатилган иш.

Билимларни ўзлаштириш йўлидаги муаммоли баён, қисман изланиш ёки эвристик метод ва тадқиқот методи, шунингдек ноанъанавий методлар ("Ақлий ҳужум", "Зинама-зина" ва б.) юқорида таъкидлаб ўтилган турт гуруҳдаги методларнинг (рецептив ва тил ҳодисаси ҳақида мушоҳада юритилган иборат нутқий фаолият методлари; ахборот манбаидан маълумот олиш методи ва (репродуктив метод) биринчи ва иккинчи гуруҳга мансуб методлар гуруҳига кирди). Чунки улар назарий билимларни мустахкамлаш, шу йўл билан ўқувчиларнинг филологик маълумотини шакллантириш, тафаккурини ўстириш учун хизмат қилади, холос. Гапнинг бош бўлақлари ва бир бош бўлакли гап турлари асосида нутқ ўстиришда эса учинчи ва тўртинчи турдаги методларга кўпроқ аҳамият бериш, бунда матн яратиш ва боғланишли матн тарқибига диалог киритиш каби ижодий ишларга устувор аҳамият бериш мақсадаги мувофиқдир.

Она тили дарсларининг самарадор бўлишида машқ турлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Амалдаги 8-синф "Она тили" дарслигида қуйидаги машқ турлари ўз ифодасини толган: тил ҳодисасини аниқлаш, талаб этилганча ажратиш (ажратиб кўчириш); гапларни ўқиб, ... фарқини (хусусиятини) аниқлаб қоида (умумлашма) тузиш; ҳулоса чиқариш; аини бир фикрни бир неча хил (масалан, солда ва қўшма гаплар билан) ифодалаш; берилган гапларнинг тугал фикр ифодалай олмаслиги сабабини тушунтириш; гапларни бирор тил ҳодисаси билан тўлдирish; топшириқ шартига кўра гаплар тузиш (ҳосил қилиш); тил ҳодисаларини гуруҳларга ажратиб ёзиш (уларни қиёслаш); бир шаклдан иккинчисига айлантириш; зукколарга берилган топшириқ шартига кўра саволларга жавоб бериш; гапни ўзгартириб ўқиб, юз берган ўзгариш ҳақида ҳулоса чиқариш; матн тузиш, унда атов гапларни ишлатиш; тил ҳақидаги матнлар; тест топшириқларини бажариш.

Маълум бўлишича, амалдаги 8-синф "Она тили" дарслигида гапнинг бош бўлақлари, бир бош бўлакли гаплар юзасидан ўтилганларни мустахкамлашга қаратилган машқлар асосан билимларни ўзлаштириш, ўқувчиларнинг тафаккурини ўстириш мақсадини кўзда тутди. Бу машқлар орасида билимларни амалда қўллашга доирлари санокли. Айниқса, эга ва кесимнинг ифодаланишига оид маълумотлар мустахкамлашга доир материаллар орасида улардан нутқ амалиётида фаол фойдаланиш даражасидаги машқлар йўқ наражада.

Ўқитувчилар фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаш мақсадида ўқитувчиларнинг дарсларини кузатиш, сўровномалар ва оғзаки савол-жавоблар ўтказиш каби усуллардан фойдаланилди. Маълум бўлишича, аксарият ўқитувчилар дарсларни дарслик қолини асосида ташкил этидилар, ўтилганларни мустахкамлашда дарсликда берилган машқларни бажартириш билан қифояландилар.

"Она тили" дарслиklarининг методик қурилишини чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида сўровнома тайёрлаб, ўқитувчилардан жавоблар олдик. Шу нарса ҳам маълум бўлдики, ўқитувчилар бир бош бўлакли гап турларининг мулоқот маданияти, муомала олоби билан боғлиқлик жиҳатлари ҳақида тасаввурга эга эмаслар.

Ишмизнинг биринчи бобида гапнинг бош бўлақлари юзасидан ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билимлар, кўникма ва малакалар, шу ҳажмда нутқ ўстириш, нутқ маданияти, шу жумладан муомала олобини шакллантириш ишларини ташкил этишга доир таъбияларимизни амалиётда синаб бордик. Ўқитувчи ўқувчилар доир аниқлашда этибор беришлари шарт бўлган жиҳатларни қуйидаги саволлар кўринишида олдидан бериб қўйдик: 1. *Эганинг сўроқлари*. 2. *Қайси қелишда эканлиги*. 3. *Эганинг нимани аниқлатиши*. 4. *Қайси гап бўлади билан боғланиши*. 5. *Кесим билан нимада мослашиши*. 6. *Унинг қайси сўз турқуми билан ифодалангани*.

Ўқувчилар ҳар бир гапдан эгани аниқлашда ушбу таҳлил намунаси асосида мушоҳада юритадилар. Бу мушоҳадалар ҳам индуктив, ҳам дедуктив усулда боради. Шунингдек, ана шу саволлардан муаммоли вазиятлар вужудга келтириш, уларни масалалар кўринишида тақдим этиш, "Зукколар" беллашувини уюштириш имкониятлари мавжуд. Масалан, "Ғалдаги белгисиз тушум қелишқанда от эга саналиши мумкинми?", "Эга тўлдирувчи билан боғлана оладими?", "Нима? сўроғи ҳамма вақт ҳам гапнинг нима ҳақда эканлигини аниқлата оладими?", "Эгани айтмай, от-кесимнинг ўзини қайси ҳолатларда ёнгиз ишлатиш мумкин?" ва ҳоказо.

Ушбу билимларни мустахкамлашда қуйидаги каби машқлар тизимидан фойдаланилади: 1) *берилган гаплар жуфтини қиёслаш асосида эганинг отлаган сўз, ажралмас бирикма, ибора билан ифодаланишнинг услубий мақбул эканлигини исботлаш*; 2) *берилган гапларни ҳар бирдан бир сўзни тушириб қолдириш ҳисобига сиқик ҳолга келтириш*; 3) *берилган мавзуда кичик матн тузиш, унда эгани отлаган сўзлар, ажралмас бирикма, ибора билан ифодалаш*; 4) *берилган матнни ундаги айрим гапларни сиқик ҳолга келтириш асосида таҳрир қилиш, ҳосил бўлган матннинг таъсирчанлигига баҳо бериш*; 5) *кичик матн тузиш, унда эга сифат билан ифодаланган мақол ишлатиш*; 6) *сифатдошни унга маъно жиҳатдан яқин сифатдош шаклидаги ибора билан алмаштириб ўқиб*.

Ўқувчилар ёган ишолар ҳам шу каби топшириқлар асосида таҳрир қилдирилиши фойдалан холи эмас. Эганинг олмош билан ифодаланиши отни алмаштириш вазифасидан иборат бўлса, рецелтив машқлар кичик-кичик матнлар асосида ташкил этилади. Нутқ ўстириш мақсадида ҳам кичик-кичик ижодий матнлар яратиш машқлари ўтказилади. Иборани эга вазифасида қўллаш учун дастлаб иборалар рўйхати устидаги ишлар бажарилиши даркор. Сунгра берилган гаплардан ибораларни аниқлаш ва шаклини изоҳлаш машқлари зарур. Ниҳоят, ибораларни сифатдош ёки ҳаракат номи шаклига келтириб, уларни эга вазифасида ишлатиб гаплар тузишга ўтилади.

Қуйи синфларда ўтилганларни такрорлаш, янги мавзуларни ўтишда компьютер техникаси билан, у орқали мультимедиа технологиясидан фойдаланиш самаралидир. Бунда, Ю.Н.Егорованинг таъкидлашича, билимларни ўзлаштириш заруриятдан эмас, балки ўқувчиларнинг хоҳишига кўра амалга ошад; мультимедиа хурсандчилик билан қабул қилинади,

Ўқувчиларда ўқув фанига нисбатан раббат уйғотлади; ўқувчиларга ўзини тилидан электрон ўқув қўлланмалари, мультимедиа дастурлари ишлаб чиқилмаган.

Амалдаги дарсликнинг бир бош бўлакли гаплар қисмида ижодий матн яратиш эҳтиёжларини қондириш, нутқ маданияти, хусусан, муомала одоби билан боғланиш амалга оширилмаган.

Қузатишлардан, ҳаёт тажрибасидан шу нарса маълумки, сўзлаётган одам ёш, лавозими қуйроқ бўлиб, ўз нутқида «мен» сўзини кўпроқ ишлатиб юборса, унга «Намунча «мен»ламасан» деган танбех берилди, натижада музамлик юзага келди. Ёки ёшроқ одам ўзидан қатгаларга буйроқ гап шаклида фикр баён қилишдан ўзини тияди. Шунинг учун у «Менга иш буюрмасанми?» каби тенбех эшитмаслик ниятида «Жўмрақни аямаштириш керак», «Бир оз куттиш керак» каби шахси номмаълум ёки шахсиз гап тузишга ҳаракат қилади.

Шу тариқа сўзловчи нутқий мулоқот жараёнида она тилида гапларни грамматик жиҳатдан тўри тузишдан ташқари ўзидан қатга ёки қичик қатга ҳаётга кириб борар экан, мулоқот маданиятини дақкилар, танбехлар эшитиш йўли билан эмас, балки дарсларда ўрганиш орқали етгаллатанлари маълум.

Она тили дарсларида «Бир бош бўлакли гаплар» мавзусини ўрганишнинг ўқувчида мулоқот маданияти, муомала одобини шакллантиришга қарата ташкил этилади. Бунда қуйидаги изчилликка амал қилинади: 1) гапда эганинг қўланиши ва тушириб қолдирилиши керак бўлган ҳолатлар билан ўқувчиларни мунтазам таништириб бориш; 2) эга муомала одоби нуктага назаридан ўринли қўлланган мисолларни аниқлаш ва изоҳлаш; 3) нутқий вазиятни изоҳлаш асосида эгани ишлатиш ёки ишлатмасликка доир машқлар; 4) боғланишли нутқ ўстириш (ижодий матн яратиш) машқлари; 5) ўтилган билимларни тизимга солиш машқлари.

Қуйида эга муомала одоби нуктага назаридан ўринли қўлланган мисолларни аниқлаш ва изоҳлашга доир машқлардан намуналар келтирамыз. (Гапда эганинг қўланиши ва тушириб қолдирилиши керак бўлган ҳолатлар билан ўқувчиларни таништириб бориш мақсадида бадий асарлардан мисоллар танланади ва ўқиб изоҳлаш учун тақдим этилади.)

Машқ. Ўқинг. Ҳар бир диалогик парчадан ажратилган гапнинг қандай гап эканлигини ва нима учун айти шундай гап тузилганлигини муомала гап эканлигини ва нима учун айти шундай гап тузилганлигини муомала одоби нуктага назаридан тушултириб бериш.

Ҳеч ёлгон гапирган эмасдим, нима қилди.

- Материал олиб келмоқчийдим, - дедим теракларнинг учига қараб.

- Материалнинг нимаси? - оғим газетга хабар ёзмакчи дес ўйларди, - қуйида олинг бўлмайми...

<sup>1</sup> Егорова Ю.Н. Мультимедиа технология как средство повышения эффективности обучения в школе // Информатика и образование. 2004. - № 7. - С. 101.

- Текширмай ёзиб бўладими, ойи, қаттиқ нарса бўлса, - дедим гапини оғидан олиб мулоимлик билан. Аммо фикри ёдим Умидада, у билан бўладиган учрашувга эди (Х.Икромов).

Парча синтактик таҳлил қилинади.

Базан тестлардан ҳам фойдаланиш яхши самара беради.

**Тест.** Берилган парчада нукталар ўрнига киритилиши зарур маълум бўлган жавоб вариантини белгилаш. Танлаган вариантнингиз туғрилигини исботлаш ҳақида ўйлаб кўринг.

Темиржон унинг бу уйда хизмат қилишдан бехабар эди. Шунинг учун соҳалик қилиб сўради.

... (Ж.Абдуллахонов)

а) Сиз ҳам шу ердимсиз? б) Шу ердимсиз?

Базан парчада нутқий вазиятни овозини ўзгартирган ҳолда туринча оҳангда ўқиб юзасидан ўқувчиларга топширик вариантлари бериш ҳам фойдалидир.

Мамажоннинг гижини келди. "Мени олиб келгунча, шунча аёл билан шунинг ўзини сайлаб қуйишса бўларкан раисликка. Топган гапини қара: "Жилловни қаттиқ ушла! Бошида ёнгок чакиб тур!" Мамажон хонтахта устидан турган сочқилни чапғаллаб олиб, лабларини қаттиқ арғди:

... (С.Нуров)

а) - Нег мән одамларнинг "Бошида ёнгок чакиб" туришим керак экан?

б) - Нег одамларнинг "Бошида ёнгок чакиб" туришим керак экан?

- маданиятни, хушмуомала одамнинг овози билан;

- кўрс одамнинг жад аралаш овози билан;

- манмансиратган одамнинг овози билан.

**Диссертацион ишнинг "Экспериментал ишлар ва натижалар таҳлили"** номли учинчи бобда экспериментал материалларнинг қисқа баёни ёрғитилди.

Амалий-ижодий ишлар асосида ташкил этилган дарслар аввали ва охирида ўқувчилардан биринчи бобдаги назорат ишда фойдаланилган 12 та гап, учинчи боб учун тавсия этилган 12 та гапдан эгани аниқлаш ва ифодаланишига устига ёзиб қуйиш мазмунида назорат иши олинди. Синовдан кейинги ёзма иш учун қуйидаги гаплар ҳавола этилди:

1. Hayotning bu sharaflı kash eglariga bo'lgan ehtiyoji ham abadiydir. 2. Qizili qirda qoldi, sarig'i soyda. 3. Ular maktabdan so'ng dalaga chiqadilar. 4. Yoshlik bahorning o'zi bir go'zalikdir. 5. Ikki o'indamay ispanlikka chiqishdi. 6. Ko'p o'qigan ko'p bilar. 7. So'zining ustidan chiqqanlar men qadrlaydigan odamlar. 8. Reja tuzish - mutakabb ish. 9. Kimdir g'olib chiqar. 10. To'g'ri so'z qilichdan o'tkir. 11. Bu voqea barcha qizlarni quvontirdi. 12. Topshiriqlarning hammasi tushunarli edi.

Назорат синфида 100, синов синфида ҳам 100 ўқувчи қатнашган ёзма иш натижалари умумий тарзда қуйидаги жавобларда акс эттирилди (2- ва 3-жавобларга қаранг).

Тажрибадан олдинги ва кейинги эгани ва унинг ифодаланишини аниқлаш бўйича топширик натижаларининг статистик таҳлили қуйидагича бўлди.



2-жадвал  
 НАЗОРАТ ИШИДА БЕРИЛГАН ГАПЛАРДАН ЭГАНИ ТОПИШГА ДОИР  
 ТОПШИРИКНИНГ БАЖАРИЛИШИ (УМУМИЙ НАТИЖАЛАР)

Назорат иши ўтказилган вақт	Синф тури		Берилган гаплардан эганинг аниқлангани	
	назорат синнов	нотўғри	тўғри	Эга аниқланмаган
Синновдан олдин	673	665	475	52
Синновдан кейин	762	1011	477	58
			387	51
			165	24

I. Эгани топишга доир топшириқлар умумий натижаларининг статистик таҳлили.

$$1) \text{ синновдан олдин: } x^2_{\text{син}} = 0,379; \quad x^2_{\text{фритик}} (0,95;2) = 5,99$$

$x^2_{\text{син}} < x^2_{\text{фритик}}$  бўлиб чиқди. Синнов ва назорат синф ўқувчиларининг билиш даражалари орасида фарқ йўқ.

$$2) \text{ синновдан кейин: } x^2_{\text{син}} = 133,97; \quad x^2_{\text{фритик}} = 5,99$$

$x^2_{\text{син}} > x^2_{\text{фритик}}$ . Демак, синнов ва назорат синфларининг эгани топиш бўйича билим кўрсаткичлари орасида сезиларли даражада фарқ бор бўлиб, бу ўқитиш услубига боғлиқдир.

Эгани топиш бўйича тажрибадан олдин назорат синфларида ўзлаштириш кўрсаткичи 56%, тажрибадан кейин 63,5%, орадаги фарқ эса 6,5%, синнов синфларида тажрибадан олдин 55,5%, тажрибадан кейин 84%, орадаги фарқ эса 28,5% ни ташкил эгди. Тажрибадан олдин назорат ва тажриба синфларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари фарқи (56% - 55%)=1% ни ташкил қилган бўлса, тажриба охирида уларнинг фарқи  $T - H = 84\% - 63,5\% = 20,5\%$ .

3-жадвал  
 БЕРИЛГАН ГАПЛАРДА ЭГАНИНГ ИФОДАЛАНИШИНИ КўРСАТИШГА  
 ДОИР ТОПШИРИКНИНГ БАЖАРИЛИШИ (УМУМИЙ НАТИЖАЛАР)

Назорат иши ўтказилган вақт	Синф тури		Берилган гаплардан эганинг ифодаланиши аниқлангани	
	назорат синнов	нотўғри	тўғри	Ифодаланиши аниқланмаган
Синновдан олдин	665	674	453	82
Синновдан кейин	725	977	446	80
			344	131
			173	50

II. Эганинг ифодаланишини кўрсатишга доир топшириқларнинг бажарилиши натижаларининг статистик таҳлили.

$$1) \text{ синновдан олдин: } x^2_{\text{син}} = 0,139; \quad x^2_{\text{фритик}} = 5,99$$

$x^2_{\text{син}} < x^2_{\text{фритик}}$ , яъни синнов ва назорат синфлари ўқувчиларининг билим кўрсаткичлари орасида сезиларли фарқ йўқ.

$$2) \text{ синновдан кейин: } x^2_{\text{син}} = 130,12; \quad x^2_{\text{фритик}} = 5,99$$

$x^2_{\text{син}} > x^2_{\text{фритик}}$ . Демак, синнов ва назорат синфлари ўқувчиларининг эганинг ифодаланишини кўрсатишга доир топшириқ натижаларининг

орасида сезиларли фарқ бўлиб, бу ўқитиш услубига боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Эганинг ифодаланишини аниқлаш бўйича тажрибадан олдин назорат синфларида ўзлаштириш кўрсаткичи 55%, тажрибадан кейин 60%, орадаги фарқ эса 5%, синнов синфларида тажрибадан олдин 56%, тажрибадан кейин 81%, орадаги фарқ эса 25% ни ташкил эгди. Тажрибадан олдин назорат ва тажриба синфларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари фарқи (56% - 55%)=1% ни ташкил қилган бўлса, тажриба охирида уларнинг фарқи  $T - H = 81\% - 60\% = 21\%$ .

### УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Умумий ўрта таълим мактаблари она тили дарсларида гапнинг бош бўлақларини ўрганиш юзасидан амалга оширилган тадқиқот ишлари кўйидаги хулосаларни чиқариш имконини берди:

1. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ўтган давр ичида ўзбек тилшунослигига оид адабиётлар ва тадқиқот ишларида гапнинг бош бўлақлари, икки бош бўлакли ва бир бош бўлакли ишларида бир-биридан фарқ қилмаган ёндашувлар, йўналишлар асосида талқин қилинди, янгича қарашлар пайдо бўлди. Бу талқинларнинг айримларида тил ҳодисалари коммуникативликдан холи, яъни систем тилшунослик нуқтаи назаридан амалга оширилди. Чунончи, ихчам гап гапнинг коммуникатив жиҳатларини мустаъсо қилиш асосида (модаллик ва бошқа томонлардан холи қилиниб) ажратилди. Мактабда тил сағхлари асосан гапнинг коммуникатив жиҳатларини сақлаган ҳолда ўрганилади. Шу босан гапдаги моделлик ва бошқа жиҳатлар тиклангач, мактаб таълими учун ихчам гап каби тушунчалар мунозарали бўлиб қолиши аниқ.

2. Эганинг от ва отлашган сўзлар, ажралмас бирикма, иборалар билан ифодаланиши ҳам, унинг тушириб қолдирилиши ҳам маълум даражада матндаги услубий талаб асосида амалга ошуви ҳақидаги фикрлар майдонга келатганлиги ва шу йўналишда дастлабки қадамлар қўйилганлигидан ташқари мулоқотга кирувчиларнинг ўзаро муносабати (коммуникатив аспект) билан боғлаш кераклиги (прагматик йўналиш) она тили таълими нуктаи назардан тилшуносликнинг энг қатта ютуқларидан бири деб эътироф этиш тўғри бўлади.

3. Тилшуносликка доир адабиётлар ва тадқиқот ишларида эганинг отлашган сўзлар билан ифодаланиши кўпроқ тил ҳодисаларини таъкидлаш мазмунида ёритилган бўлиб, ўқитувчи улардан ўқувчиларни ана шу имкониятлардан фойдаланишга ўргатиш масаласида етарлича жавоб топа олмади. Қайси отлашган сифатларни қайси ҳолатларда эга вазифасида ишлатиш мумкинлигини билмаган ўқувчи синтаксиснинг ушбу бойлигини нутқ ўстириш даражасида фойдаланиши зарурлиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас деб уйлаймиз.

4. Адабиётларда қисқарган синтактик конструкциялар учун асос бўлиши ҳодиса - эганинг сифатдош билан ифодаланиш табиаги тилшуносликда коммуниктив нуктаи назардан, матн тақозосига кўра

ёритилмаган. Аксарият адабиётларда кесимнинг қайси сўз туркуми билан ифодалангани, тузилишига кўра турлари, боғламнинг ишлатилиши билан боғлаб кўрсатилган. Лекин феълнинг замон, нисбат, майл шакллари синтаксис кўрсаткичи - кесим мавзуси таркибиде қайта талқин қилинишига эҳтиёж сезилади.

5. Методик адабиётларда гапнинг бош бўлақларидан бирининг, айниқса, эганинг тушириб қолдирилиши, шу муносабат билан икки бош бўлақли ва бир бош бўлақли гаплар, бир бош бўлақли гапларнинг турлари юзага келишини ўрганиш матндан ажратиб олинган ҳолда амалга ошириб келинди, мулоқот маданияти, хусусан, муомала одоби билан боғланмади. Шунга кўра ҳам гапнинг бош бўлақлари ва бир бош бўлақли гапларни коммуникатив аспектда ўрганиш мазмуни ва методларини янги педагогик технология даражасида ишлаб чиқиш зарурияти юзага келди.

6. Она тилидан яратилган янги, бугунги кунда амалдаги дастур ва дарсликларда гапнинг бош бўлақлари ва бир бош бўлақли гаплар юзасидан берилган мавзулар рўйхати ўтмишдошларида келтирилган мавзулар рўйхатига қараганда қамайган, бинобарин маълумотлар кўлами ҳам кичикарган, лекин унга нутқ ўстириш учун бир қалар аҳамиятсиз, фақат филологик маълумот билан боғлиқ айрим тушунчалар (иччам гап, гапнинг грамматик асоси, грамматик марказ, эгасиз гап) киритилган. Шу боисдан ўқувчиларнинг нутқини ўстириш, нутқ маданияти, муомала одобини шакллантириш нуқтаи назаридан мавзулар рўйхатини қайта кўриб чиқиш тақозо этилади.

7. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларнинг бош бўлақларнинг ифодаланishi, услубий хосланиб қўлланishi юзасидан чуқур билимга эга эмаслигини, улар ўз фикрларини тўғри ва раван ифодалай олмастликларини, болаларда мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятининг тўла шаклланмаганлигини, ўқитувчиларнинг ҳам ўқувчи нутқини ва тафаккурини ўстиришга, уларга чуқур билим беришга қаратилган иш усулларидан фойдаланмастликларини ва амалий-ижодий ишларга эътибор бермастликларини кўрсатади.

8. Мавжуд ҳолатда гапнинг бош бўлақлари ва бир бош бўлақли гаплар юзасидан ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билимлар, кўникма ва малакалар мундарижасини қайта кўриб чиқиш зарурияти туғилди ва бу борада биз ўз тавсияларимизни баён этишга муваффақ бўлдик.

9. Она тили дарсларида гапнинг бош бўлақлари ва бир бош бўлақли гаплар қуйидаги методлар асосида ўрганилса, яхши самара беради: 1) Рецензив ва тил ходисаси ҳақидаги мушоҳада билан боғлиқ нутқий фаолият методлари. 2) Ахборот манбаидан маълумот олиш методи ва репродуктив (билимини мустаҳкамлаш) метод. 3) Ижодий нутқий фаолият (нутқ маҳсули - матн яратиш) методи. 4) Коммуникатив нутқий фаолият методи. Билимларни ўзлаштириш йўлидаги муаммоли баён, қисман изланиш ёки эвристик метод ва талқикот методи, шунингдек ноанъанавий методлар ("Ақлий ҳужум", "Зинама-зина" ва б.) юқоридаги тўрт гуруҳдаги методларнинг дастлабки биринчи ва иккинчи гуруҳ

методларигагина хос. Шунинг учун нутқ ўстиришда эса учинчи ва туртинчи турдаги методларга кўпроқ вақт ажратиш, бунда матн яратиш ва боғланиши матн таркибига диалог киритиш каби ижодий ишларга устувор аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир.

10. Ўқитувчилар орасида ўтказилган сўровнома натижалари улар бир бош бўлақли гап турларини нутқ маданияти, муомала одоби билан боғлаш деганда маърифий-тарбиявий матнлар, ҳикматли сўзлар, ҳадисларни тушунишлари маълум бўлдики, дастлаб ўзлари бу борадаги маълумотлар билан қуролланишлари зарур.

11. Эга ва кесим билан боғлиқ мавзуларни ўрганиш сўз туркумлари юзасидан ўйланганлари пухта такрорлаб олиш, эга ва кесим ҳақида тўлиқроқ тушунчалар ҳосил қилиш (айниқса, фикрнинг ким ёки нима ҳақида эканлиги, эганинг бош келишида бўлиши, кесим билан шахс ва сонда мослашувини таърифга сингдириш), от орқали ифодаланган эга оломш билан алмаштирилган кичик-кичик матнлардан фойдаланиш, бош келишидаги сўзни белгисиз тушуш ва қаратқич келишиклардаги сўзлардан фарқлаш устида ишлаш, иборани ажрата олиш, шаклини изоҳлаш, уни сифатлош ёки ҳаракат номи шаклида қўлиаб гаплар тузиш, отлашган сўзларни эга вазифасида ишлатиш жараёнида қисқа синтактик конструкциялар тузишга интилиш уйғотиш каби масалаларни ҳал этиш ниятида йирик мавзунини бир неча кичик мавзуларга ажратиш маъқул.

12. Мақсадда содда гап синтаксисининг тапнинг бош бўлақларига оид мавзулари бевоқифа муомала одоби акс этган парчалар орқали чуқурроқ аниқланиди, ўқувчилар мулоқот маданиятини ҳаётдаги даққилар туфайли эмас, балки ўқиб ўрганиш йўли билан пухта, атрофлича, энг муҳими, нутқ ўстириш талаб этган даражада ўзлаштирилади. Икки бош бўлақли ва бир бош бўлақли гапларни мулоқот маданияти, муомала одоби билан боғлаб ўрганишга доир баён этилган тавсиялар билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланиш жараёнини нутқ ўстириш жараёнига қўшиб ташкил этиш имконини беради.

#### Диасергациянинг асосий мазмуни қуйидаги илмий ишларда ўз ифодасини топган:

1. Юсупова Т. Бош бўлақларни ўқитиш жараёнида қўллангилдиган мустақил ишлар // Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Т.: Фан, 1995. - Б. 140-142.

2. Юсупова Т. Бош бўлақлар юзасидан чуқур ва пухта билим бериш йўллари // Республика илмий-назарий кенаш маърузалари тўплами. - Т.: Низомиё номидати ТДПИ, 1996. - Б. 130-132.

3. Юсупова Т. Ўқувчиларни маънавий баркамол ва етуқ билимдон шахс қилиб тарбиялашда лингвистик масалалардан фойдаланиш // Илмий-методик конференция материаллари. - Т.: Олий педагогика институти, 1995. - Б. 94-95.

4. Юсупова Т. Тўғрақ машғулотларида лингвистик масалалардан ва грамматик топилмоқлардан фойдаланиш // Тил ва адабиёт тўплами. - 1997, 1-сон. - Б. 91-93.

5. Юсупова Т. Ўқитишга янгича ёндошиш - хозирги кун талаби // Республика илмий-амалий конференция материаллари. - Т.: Олий педагогика институти, 1997. - Б. 63-64.
6. Юсупова Т. Ана тилин уфрейтуде оқыгьуға жанаша жантасьудын гейпара усыллары // Каракалпакстан муғаллими. - 1998, 1-2-сан. - Б. 141-142.
7. Юсупова Т. Бош бўлакларни ўргатишда бажариладиган амалий-ижодий ишлар // Научные труды. Выпуск 4. - Т.: ТДПИ им. Низами, 1998. - С. 85-88.
8. Юсупова Т. Она тили ўқитиш методларига бир назар // Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2004. - Б. 77-78.
9. Юсупова Т. Тилшунослик фани она тили таълими хизматида // Педагогик таълим. - 2004, 1-2-сон. - Б. 61-63.
10. Юсупова Т. Синтаксисга доир коммуникатив йўналишдаги машқлар // Илмий - амалий анжуман материаллари. - Т.: ЎзДЖТУ, 2005. - Б. 52 - 58.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Юсупова Турсуноти Ахмедовичнинг 13.00.02 – она тили ўқитиш назарияси ва усулъяти ихтисослиги бўйича “Таънинг бош бўлакларини ўргатиш жараёнида ўқувчилар нутқини ўстиришнинг лингвостетодик асослари” мавзусидаги диссертациясининг

## РЕЗЮМЕ СИ

**Таънич сўзлар:** она тили дарси, таънинг бош бўлаклари, бир бош бўлакли гаплар, эга ва кесимнинг ифодаланиши, ўргатиш, метод, киёслаш, машқ, педагогик технология, нутқ ўстириш, ижодий матн, мулоқот маданияти.

**Таъқиқот объекти:** она тили дарсларида ўқувчилар нутқи ва мулоқот маданиятини ўстириш жараёнида бош бўлакларни ўргатиш мазмуни ва методлари.

**Ишнинг мақсади:** она тили дарсларида таънинг бош бўлакларини ва бир бош бўлакли гапларни ўргатиш мазмунини такомиллаштириш, самарали усулларини аниқлаш, ижодий матн яратиш билан боғлаш, ўқувчи мулоқот маданиятини кўтаришга мўлжалланган машқлар тизимини ишлаб чиқиш.

**Таъқиқот методлари:** лингвистик, дидактик ва методик адабиётлар таҳлили; илгор иш тажрибаларини ўргатиш ва умумлаштириш; сўхбат; сўровнома; дарс кузатиш ва таҳлил қилиш; педагогик эксперимент; статистик таҳлил.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** ўзбек тилшунослигининг сунгги ютуқлари таҳлили асосида таънинг бош бўлаклари ва бир бош бўлакли гапларни ўқувчи мулоқот маданиятини ошириш мақсадида ўрганишнинг янгиланган мазмуни ва самарали методлари яратилди ва қўлланга тавсия қилинди.

**Амалий аҳамияти:** бош бўлаклар ва бир бош бўлакли гапларни ўрганишнинг янгиланган мазмуни ва самарали усулларини жорий этиш орқали ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини, оғзаки ва ёзма нутқини ҳамда мулоқот маданиятини ўстиришга эришилади.

**Таъбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** она тилини ўқитиш методикаси бўйича ўқитувчилар малакасини ошириш курсларида, она тилидан дастур ва даэриклар мазмунини такомиллаштиришда ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланилади.

**Қўлланмиш соҳаси:** таъқиқот натижаларидан ўрта, ўрта-максус ва олий таълим тизимлари она тили дарсларида фойдаланиш тавсия қилинади.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Юсуповой Турсуной Ахмедовны на тему "Лингвометодические основы развития речи учащихся в процессе изучения главных членов предложения", представленной на соискание ученой степени кандидата педагогических наук по специальности 13.00.02 - Теория и методика преподавания узбекского языка

**Ключевые слова:** урок родного языка, главные члены предложения, выражение подлежащего и сказуемого, односоставные предложения, изучение, метод, сопоставление, упражнение, развитие речи, творческий текст, культура общения.

**Объект исследования:** Содержание и методы изучения главных членов предложения на уроках родного языка в процессе развития речи и культуры общения учащихся.

**Методы исследования:** анализ лингвистической, дидактической и методической литературы; изучение и обобщение передового опыта работы; беседа; анкетирование; наблюдение и анализ уроков; педагогический эксперимент; статистический анализ.

**Цель работы:** усовершенствовать содержание и определить эффективные методы изучения главных членов предложения и односоставных предложений на уроках узбекского языка, связать их с творческим текстом и создать общения учащегося.

**Полученные результаты и их новизна:** созданы и рекомендованы к использованию в процессе обучения обновленное содержание и эффективные методы изучения главных членов предложения и односоставных предложений в аспекте повышения культуры общения учащихся на основе анализа последних достижений узбекского языкознания.

**Практическая значимость:** путем внедрения обновленного содержания и эффективных методов изучения главных членов предложения и односоставных предложений развиваются знания, навыки и умения учащихся, их устная и письменная речь и культура общения.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** используются в процессе проведения курсов повышения квалификации по методике обучения узбекскому языку, при совершенствовании содержания программ и учебников по узбекскому языку и подготовке методических пособий для учителей.

**Область применения:** рекомендуется использоваться результатами исследования на уроках узбекского языка в системе среднего, среднего специального и высшего образования.

## RESUME

Thesis of T. A. Yusupova on the academic degree competition of the candidate of pedagogical science, speciality 13.00.02 - Theory and methods of teaching the Uzbek language: "Linguomethodological bases foundations of developing of pupils' speech in the process of learning the principle parts of the sentence".

**Key words:** native language lesson, principle parts of the sentence, learning, expressing the subject and predicate, mononuclear sentence, learning, analysis, method, comparison, exercise, speech development, creative text, standard of intercourse.

**Subject of the inquiry:** contents and methods of learning the principle parts of the sentence at the Uzbek lessons in the process of developing speech and standard of intercourse.

**Aim of the inquiry:** improving the contents and determining the effective methods of learning the principle parts of the sentence and mononuclear sentences at the Uzbek lessons, linking them with the creative text and establishing the system of exercises aimed at raising pupils' standard of intercourse.

**Methods of inquiry:** analysis of the linguistic, didactic and methodological literature; studying and generalizing teaching innovations; talking questioning; observation and analysis of native language lessons; pedagogical experiment; statistical analysis.

**The results achieved and their novelty:** on the basis of analysis the latest achievements of the Uzbek linguistics improved contents learning the principle parts of the sentence and mononuclear sentences were established and effective methods of using them in the process of teaching were recommended. This work has been done for raising pupils' standard of intercourse.

**Practical value:** by introducing the improved contents and effective methods of the principle parts of the sentence and mononuclear sentences, pupils' knowledge, skills and habits, their oral and written speech, standard of speech intercourse may be developed.

**Degree of embed and economical effectivity:** the results of the research may be used in the retraining courses on the methodology of native language teaching, for modernization of contents and of syllabus and textbooks, while preparing teachers guides.

**Sphere of usage:** the results should be put into practice of teaching Uzbek in the system of secondary, secondary-special and higher educational establishments.